

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-9>

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖЖОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	5
<b>2. Умаров Бекзод Азаматович</b> ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	19
<b>3. Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи</b> ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ.....	26
<b>4. Avezov Umidjon Toshpulatovich</b> JAMOAT BIRLASHMASI SIFATIDA KASABA UYUSHMALARINING HUQUQIY MAQOMI VA YURIDIK TABIATI.....	34
<b>5. Toshmuxammadov Asadbek Yusup o‘g‘li</b> O‘ZBEKISTONDA OMMAVIY TADBIR O‘TKAZISH TARTIBINING HUQUQIY ASOSLARI (QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL).....	43
<b>6. Муракаева Зухра Ильгизаровна</b> СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА.....	50
<b>7. Джалилов Фуркат Закирович</b> ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ.....	58
<b>8. Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли</b> ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	66
<b>9. Jumanazarova Marjona Botir qizi</b> OXIRGI ZARURAT NAZARDA TUTILGAN NORMALARNING RIVOJLANISH TARIXI VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT KODEKSIGA KIRITILISHINING ZARURATI.....	77
<b>10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович</b> ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	87
<b>11. Хидоятлов Бахтиёр Батирович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ.....	100
<b>12. Полвонов Нажмиддин Аслидинович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ.....	108




**Худайкулов Ферузбек Хуррамович,**

Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи,  
криминология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси доценти,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
ORCID: <https://orcid.org/0000-0002-4940-3762>  
E-mail: [dr.profi114@gmail.com](mailto:dr.profi114@gmail.com)

### **ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ**

**For citation:** Khudaykulov Feruzbek Khurramovich. FACULTATIVE SIGNS OF THE OBJECTIVE SIDE OF CRIME: THEIR GENERAL CHARACTERISTICS AND CRIMINAL LEGAL SIGNIFICANCE. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 9, pp. 87-99

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7243304>

#### **АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада тадқиқ этишнинг мантикийлик, индукция, дедукция, тизимлилик, мантиқий-юридик, қиёсий-ҳуқуқий методларидан кенг фойдаланилган. Жумладан, биринчи навбатда жиноят таркиби муҳим элементларидан бири бўлган жиноят объектив томони ва унинг белгилари умумий тавсифи очиб берилган бўлиб, улар тўғрисидаги олимларнинг илмий қарашлари, тадқиқотлари, улар ўртасидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақида атрофлича баён қилинган. Шунингдек, жиноят объектив томоннинг факультатив белгилари қиёсий таҳлил қилиниб, улардаги муаммоли жиҳатлар аниқланди ва кетма-кет тавсифлаб берилди. Ушбу мақолада асосий эътибор жиноят объектив томони умумий тавсифига қаратилган бўлиб, жиноят объектив томони белгилари инструментал ва қиёсий таҳлил қилинган. Мазкур белгиларда мавжуд муаммолар аниқланиб, уларнинг назарий ва амалий ечимлари ўрнатилган ва топилган. Шу билан бирга, континентал (ромона-герман) ҳуқуқ оиласига кирувчи рус олимлари В.Н.Кудрявцев, Н.Ф.Кузнецова, И.М.Ковалев, К.Л. Акоев, М.А.Атальянц, А.И.Бойка ва бошқалар, шунингдек, миллий олимлар А.С.Якубов, М.Х.Рустамбоев, М.Усмоналиев, П.Бакунов, Х.Р.Очилов, Ш.Д.Хайдаров, З.З.Шамсидинов ва бошқалар илмий ишлари, монографиялари, илмий ва ўқув дарсликларидан фойдаланилган. Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи доктринаси ва ривожланган хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлил этилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жиноят, жиноят объектив томони, ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш жойи, вақти, ҳолати, усули, қуроли ва воситаси.

**Худайкулов Ферузбек Хуррамович,**

Доцент кафедраси Уголовное право, криминологии и противодействия

коррупции Ташкентского государственного юридического университета,  
 Доктор философии по юридическим наукам (PhD)  
 ORCID:<https://orcid.org/0000-0002-4940-3762>  
 E-mail: dr.profi114@gmail.com

## **ФАКУЛЬТАТИВНЫЕ ПРИЗНАКИ ОБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ ПРЕСТУПЛЕНИЯ: ИХ ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА И УГОЛОВНО-ПРАВОВОЕ ЗНАЧЕНИЕ**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье были широко использованы такие методы исследования как логический, системный, сравнительно-правовой. В частности, раскрывается объективная сторона преступления, являющегося одним из важных элементов состава преступления и общая характеристика его признаков, а также подробно описываются научные взгляды и исследования ученых о них, сходства и различия между ними. Также был проведен сравнительно-правовой анализ факультативных признаков объективной стороны преступления, выявлены и последовательно описаны их проблемные стороны. В данной статье основное внимание уделяется общей характеристике объективной стороны преступления, а обязательные признаки объективной стороны преступления анализируются инструментально и сравнительно. Выявлены существующие проблемы в этих признаках, установлены и найдены их теоретические и практические решения. Вместе с этим, были использованы научные труды исследователей доктрины уголовного права, труды русских ученых В. Н. Кудрявцева, Н. Ф. Кузнецовой, И.М.Ковалева, К.Л. Акоева, М.А.Атальянца, А.И.Бойка и другие принадлежащие к семейству континентального (романо-германского) права, а также отечественных ученых А.С.Якубова, М.Х.Рустамбоева, М.Усмоналиева, П.Бакунова, Х.Р.Очилова, Ш.Д.Хайдарова, З.З.Шамсидиноваи др. использовались научные труды, монографии, научные учебники. Кроме этого, были проанализированы доктрина уголовного права и уголовное законодательство развитых зарубежных стран, и на основании этого выработаны конкретные предложения и рекомендации по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** преступление, объективная сторона преступления, общественно опасное деяние, общественно опасное последствие, причинная связь, место, время, обстановка, способ, оружие и средства преступления.

**Khudaykulov Feruzbek Khurramovich,**

Associate Professor of the Department of Criminal Law, Criminology  
 and Anti-Corruption of Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy in Law

ORCID:<https://orcid.org/0000-0002-4940-3762>

E-mail: dr.profi114@gmail.com

## **FACULTATIVE SIGNS OF THE OBJECTIVE SIDE OF CRIME: THEIR GENERAL CHARACTERISTICS AND CRIMINAL LEGAL SIGNIFICANCE**

### **ANNOTATION**

In this article, such research methods were widely used as logical, systemic, comparative legal. In particular, the objective side of crime, which is one of the important elements of the crime compound, and the general characteristics of its signs are revealed, as well as the scientific views and research of scientists about them, the similarities and differences between them were described in detail. A comparative legal analysis of the necessary signs of the objective side of the crime was also carried out, their problematic sides were identified and consistently described. This article focuses on the general characteristics of the objective side of the crime, and the necessary signs of the objective side of the crime are analyzed instrumentally and comparatively. The existing problems in these signs

were revealed, their theoretical and practical solutions are established and found. Along with this, the scientific works of researchers of the doctrine of criminal law, the works of Russian scientists V.N. Kudryavtsev, N.F.Kuznetsova, I.M.Kovaleva K.L.Akoev, M.A.Atalyants, A.I.Boyka and others belonging to the family of continental (Romano-Germanic) law, as well as domestic scientists A.S.Yakubov, M.Rustamboev, M.Usmonaliev, P.Bakunova, H.R.Ochilova, Sh.D.Khaydarova, Z.Z.Shamsidinova and others used scientific works, monographs, scientific textbooks. In addition, the doctrine of criminal law and the criminal legislation of developed foreign countries were analyzed, and on the basis of this, specific proposals and recommendations were developed to improve the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** crime, the objective side of crime, socially dangerous act, socially dangerous consequence, causal link., place, time, way, condition, weapon and means of crime.

Факультатив белгилар модданинг диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина квалификацияга таъсир қилади. Бошқа ҳолларда улар гарчи жиноят-процессуал жиҳатдан аниқланиши талаб этилсада, жиноят таркибига кирмайди [1, Б. 72].

Жиноят ҳуқуқи доктринасида жиноят объектив томони факультатив белгилари деганда, одатда жиноят-ҳуқуқий оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси тушунилади. Моддий таркибли жиноятлардагина ижтимоий хавфли оқибат ва сабабий боғланиш жиноят объектив томони зарурий белгилари бўлади.

Жиноят объектив томони факультатив белгилари муайян жиноят таркибининг зарурий ва зарурий бўлмаган белгилари бўлиши мумкин. Агарда ЖК Махсус қисм моддаси диспозициясида ушбу белгилар тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса, улар зарурий белги сифатида эътироф этилади. Факультатив белги жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланмаганда эса, жиноятни квалификациясига таъсир этмасада, жазо тайинланашда

жавобгарликни оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин [2, Б. 38].

А.Ф.Истомин “жиноят объектив томони факультатив белгиси ҳисобланган жиноят содир этиш вақтини содир этилган жиноятни енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган муайян ижтимоий ва сиёсий воқеа-ҳодисалар билан ифодаланадиган аниқ бир даврдир.” [3, С. 70] дейди.

А.В.Наумовнинг фикрча эса, “жиноят содир этиш вақти – бу жиноят содир этиладиган муайян бир вақт бирликлари билан ўлчанадиган даврдир” [4, С. 194].

Юқоридаги олимларнинг ёндашувларидан маълумки, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят содир этиш вақти тушунчаси бўйича алоҳида концептуал фарқли жиҳатлар мавжуд эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят ҳуқуқида жиноят содир этиш вақтининг ўзига хос иккита жиноят-ҳуқуқий аҳамияти мавжуд:

Биринчидан, у жиноят содир этилган пайтдаги вақт оралиғини аниқлайди ва жиноят содир этиш вақти чегараси жиноятнинг бошланиш ва тамом бўлиш пайти билан узвий боғлиқ бўлади. Хусусан, Ўз.Р ЖК 13-моддаси 1-қисмида “Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади.” айнан шу ҳақида қонун чиқаруви назарда тутган.

Иккинчидан, баъзида қонун чиқарувчи томонидан вақтни жиноят таркибининг ўзига хослиги билан боғлаб жиноят қонунида акс эттиради. Масалан, Ўз.Р ЖК 99-моддасида “туғиш вақти”ни қонун чиқарувчи жиноят қонуни нормасида ифодалаб, жиноят объектив томони факультатив белгиси бўлган жиноят содир этиш вақти жиноят таркиби зарурий белгисига айланган.

Ўз.Р ЖКни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи жиноят содир этиш вақтини баъзи моддалардагина назарда тутган. Масалан, қонун чиқарувчи жиноят қонунида

муайян бир жиноий қилмишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят содир этиш вақтини ифодалаганда “астрономик” ёки муайян вақт оралиғини назарда тутмаслиги лозим. Аммо Ўз.Р ЖК 13-моддаси 1-қисмида “Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади.” дейилган. Ўз ўзидан савол туғилади. Агар жиноят тамом бўлмаган бўлсачи, қачон жиноят содир этиш вақти деб айнан қайс давр белгиланади.

Мазкур муаммо масала хорижий давлатлар жиноят қонунида ўз ечимини топган. Масалан, РФ ЖК 9-моддаси 2-қисмида “Жиноят содир этилган вақт деб оқибат келиб чиққан вақтдан қатъий назар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақт топилади.” Хорижий давлатлардан, шу жумладан, Беларусь Республикаси (9-модда), Қозоғистон Республикаси (5-6-моддалар), Қирғизистон (11-12- модда), Туркменистон (5-6-модда), Тожикистон (12-13-модда), Озарбайжон (10-модда), Арманистон (12-13-модда) жиноят кодексларида “Жиноят қонуни”нинг вақт бўйича амал қилишини тартибга солувчи нормаларида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 13-моддаси 1-қисмига жиноят вақтига нисбатан ягона тушунчани белгилаш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим. Бу эса жиноят қонуни бир хилда қўллаш ва ягона амалиётни таъминлашга хизмат қилади.

М.А.Кауфман “Маъмурий преюдиция назарда тутилган жиноят объектив томони ҳам муайян бир вақт оралиғидаги даврда содир этилиши мумкин” [5, С. 19-22] деб таъкидлайди.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва илмий тадқиқотларда жиноят объектив томони факультатив белгиси бўлган **жиноят содир этиш жойи** тўғрисида турли хил ёндашувлар мавжудлигини учратиш мумкин.

Жумладан, А.В.Наумов “Жиноят содир этиш жойи деганда, жиноят содир этилган муайян бир ҳудуд тушунилади.” [6, С. 206] деб ўз ёндашувини билдиради.

К.Л.Акоевнинг фикрича, жиноят содир этиш жойи – бу жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилган, жиноий оқибат юз берган, жиноят тамом бўлган ёки тўхтатилганлик каби муҳим белгиларнинг жиноят қонуни диспозицияси нормалари ёрдамида ифодаланган макон, ҳудуднинг бир қисмидир [7, С. 12].

Жиноят содир этиш жойи таърифини тўлиқ ва аниқ қилиб М.А.Атальянц берган. Унинг фикрича, жиноят содир этиш жойи ўзида муайян ҳудуд(ер, сув ёки ҳаво ҳудуди)га тегишли бўлган жиноятнинг ҳудудуийлик хусусиятини ифодалайди. У жиноят қонуни Махсус қисми диспозициясида бевосита ёки билвосита назарда тутилади ва жиноятлар мазкур муайян ҳудуд(ер, сув ёки ҳаво ҳудуди)да содир этилади. Жиноят содир этиш жойи тушунчаси умумэтироф этилган жой тушунчасига мувофиқ келади. Жой – бу нимадур турган ёки содир этиладиган (ёки турган, содир этилган) макон, ҳудуд, томон. Жиноят содир этиш жойи эса – жиноят содир этиладиган(этилган) макон, ҳудуддир [8, С. 45].

Жиноят содир этиш жойининг ўзи хос учта жиноят ҳуқуқуий аҳамияти мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, жиноят содир этиш жойи жиноий жавобгарликка тортишнинг умумий шартларидан бири ҳисобланади. Ўз.Р ЖК 11-12-моддаларида қонун чиқарувчи Ўзбекистон ҳудудида ва ундан ташқарида жиноят содир этган шахсларга кодекснинг амал қилишини белгилаб қўйган.

Иккинчидан, жиноят содир этиш жойи жиноят объектив томони факультатив белгиларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, жиноят содир этиш жойи қонун чиқарувчи томонидан Ўз.Р ЖК Махсус қисми муайян норма диспозициясида назарда тутилганда ўзининг факультативлик хусусиятини йўқотиб, жиноят объектив томони зарурий белгисига айланади.

Бизга маълумки, жиноятни тўғри квалификация қилишда жиноят содир этиш жойини тўғри аниқлаш лозим бўлади. Ўз.Р ЖК 11-моддасига кўра шахс Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этса мазкур Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади. Ушбу кодекснинг 11-моддаси 3-қисмига кўра Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ва байроғи остида бўлган ҳаво, денгиз ёки дарё кемаси Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди

ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса, бундай жиноят учун ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади.

Жиноят ҳуқуқи ва илмий тадқиқотларда моддий таркибли жиноятларда жиноят содир этиш жойи қандай қилиб аниқланиши борасидаги ёндашувлар ва мунозарали ҳолатлар мавжуд. Ўз.Р ЖК 11-моддаси 2-қисмига кўра жинойи қилмиш Ўзбекистон ҳудудидан ташқари содир этилиб, жинойи оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади. Ўз-ўзидан савол туғилади. Жиноят содир жойи деганда жинойи қилмиш содир этилган(содир этиладиган) муайян жой, макон ёки ҳудуд (ер, сув ва ҳаво) бўлсаю, чет эл давлати ҳудудида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш қандай қилиб Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади.

Хусусан, В.Б.Малинин ва А.Ф.Парфеновлар “Ҳаракат бажариш жойини жиноят содир этиш жойи деб ҳисобламаслик лозим, бу пайтда жиноят таркиби ҳали тугалланмаган бўлади ва шунинг учун жиноятни содир этилган деб топиб бўлмайди.” [9, С. 186] деб ўз илмий ёндашувларини баён қилишади.

Ушбу муаммони баъзи илмий тадқиқотларда қуйидагича ечимини кўриш мумкин: “Жиноят ҳуқуқи назариясида мавжуд умумий қоидага кўра жиноят содир этилган жой деб оқибат келиб чиққан жойдан қатъий назар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган жой топилади. Мазкур умумий қоидага қўшимча қилиб айтиш мумкинки, агар жинойи оқибат муайян давлат ҳудудида юз берган, ижтимоий хавфли қилмиш эса бошқа жойда содир этилган бўлса, шунга қарамай жинойи қилмиш содир этилган давлат ҳудуди жиноят содир этиш жойи деб топилади.” [10, С. 42]. Мазкур ёндашув жиноят ҳуқуқи назариясида мавжуд илмий тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган.

А.В.Наумов фикрича, жиноятни муайян давлат ҳудудида содир этилган деб топиш учун қуйидагилар мавжуд бўлиши лозим: жинойи ҳаракат мазкур ҳудудда бошланган ва тамомланган бўлса ва ушбу жинойи қилмиш жиноят қонунида назарда тутилган муайян жинойи оқибатни қамраб олган бўлса, шунингдек, жинойи ҳаракат мазкур давлат ҳудудида бажарилган ва унинг жинойи оқибати эса ушбу давлат ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса, жинойи қилмиш мазкур давлат ҳудудида содир этилган деб топилади [11, С. 34].

Биз юқоридаги олимларнинг илмий ёндашувларини қўллаб-қувватлаймиз. Дарҳақиқат, жиноят содир этилган жойини жинойи оқибат юз берадиган жой билан боғламаслик лозим. Жиноят содир этиш жойи тўғрисидаги концепция умумий қоидасини жиноят ҳуқуқи назариясида ҳам, жиноят қонунида ҳам бир хилда қўллаш лозим. Юқорида назарда тутилган муаммони ечими сифатида Ўз.Р ЖК 11-моддаси 1-қисмини қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ бўлади: “Жиноят содир этилган жой деб оқибат келиб чиққан жойдан қатъий назар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган жой топилади.”

Кейинги жиноят объектив томони факультатив белгиларидан бири бўлган **жиноят содир этиш усулини** тадқиқ этамиз. Ҳозирги жиноят қонунчилигида жиноят содир этиш усули тушунчаси очиб берилмаган. Бизга маълумки, жиноят содир этиш усули жиноят объектив томони факультатив белгилари ичида қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонуни Махсус қисми моддалари диспозициясида кўп назарда тутилади. Шунингдек, жиноят объектив томони факультатив белгилари ичида унинг жиноят ҳуқуқий-аҳамияти сезиларли даражада юқори ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида мавжуд олимларнинг таъкидлашича, Ўз.Р ЖК Махсус қисмида жиноят содир этиш усули 100 та моддада 150 мартадан кўпроқ қонун чиқарувчи томонидан назарда тутилган. Жиноят содир этиш усулининг қилмишни квалификациявий(квалификацияловчи) белгиси сифатида ЖК Махсус қисмида мавжуд моддаларнинг деярли барчасида ифодаланган. Масалан, ўта шафқатсизлик қасддан одам ўлиришнинг квалификациявий белгиси (Ўз.Р ЖК 97-моддаси, 2-қисми “ж” банди).

Жиноят ҳуқуқи назариясида ва илмий тадқиқотларда жиноят содир этиш усули “йўл”, “метод”, “тартиб”, ҳаракат ва йўллар кетма-кетлиги”, “тизим”, ҳаракатлар комплекси(мажмуи)” ва бошқа сўз иборалари билан ифодаланади.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва илмий тадқиқотларда жиноят содир этиш усули билан боғлиқ бир нечта муаммолар мунозарали равишда муҳокама қилиниб келинади. Уларни ечимини топиш бевосита жиноят содир этиш усули таърифини беришга ўз таъсирини кўрсатади. Жиноят содир этиш усули билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар куйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, ҳаракатсизлик билан содир этиладиган жиноий қилмишларда жиноят содир этиш усулининг мавжуд бўладими ёки мавжуд бўлмайди.

Бир қатор олимлар ҳаракатсизлик билан содир этиладиган жиноий қилмишларда жиноят содир этиш усули бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблашади. Жумладан, В.Б.Малинин ва А.Ф.Парфеновлар, “Ҳаракатсизликда ҳеч қандай жиноят содир этиш усули бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этиш усули – бу ҳаракат шакли ва белгиси бўлиб, жиноят ҳуқуқи назариясида худди шу ёндашувда ифодаланиши лозим.” [12, С. 213] деб ҳисоблашади. Худди шу илмий ёндашувни бошқа гуруҳ олимлари ҳам ўз илмий тадқиқотларида баён қилишади [13, С. 7].

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва илмий тадқиқотларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, бундай ёндашув мутлоқ хусусиятдаги устунлик касб этмайди, яъни ҳаракатсизда содир этиладиган жиноий қилмишларда ҳам ўз навбатида жиноят содир этиш усули мавжуд бўлиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясида кўпчилик олимлар жиноят содир этиш усули нафақат ҳаракат билан содир этиладиган жиноятларда, балки ҳаракатсизлик билан содир этиладиган жиноятларда ҳам бўлишини эътироф этишади.

Жумладан, А.И.Бойка “Жиноят содир этиш усули – жиноий қилмишнинг содир этиладиган бир қисми ва унинг қўшимча тавсифи. Назарий жиҳатдан усул жиноий хулқ-атворнинг иккала (ҳаракат ва ҳаракатсизлик) шаклига ҳам тегишлидир. Аммо реал ҳақиқатда у кўпроқ ҳаракатга нисбатан қўлланилади.” [14, С. 42] деган хулосага келади.

Бир гуруҳ баъзи миллий олимлар эса “Ижтимоий хавфли қилмиш жиноят объектив томонининг зарурий белгиси саналади, жиноят содир этиш усули эса асосий жиноий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) мавжуд ҳолларда унинг таркибига киради. Ҳар иккала ҳолат мавжуд ҳолларда асосий жиноий қилмиш қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи бевосита ҳаракат (ҳаракатсизлик) сифатида намоён бўлади.” деб, ўз илмий қарашларини ифодалашади [15, Б. 74].

Биз иккинчи гуруҳ олимларининг фикрларига қўшилаемиз. Дарҳақиқат жиноят содир этиш усули ҳаракатсизлик билан содир этиладиган жиноий қилмишни ифодаловчи жиноий-хулқ атворда ҳам мавжуд бўлади. Ҳаракатсизлик билан содир этиладиган жиноий қилмишда шахс бажариши шарт бўлган мажбуриятларни бажармасликда ифодаланади. Жиноят ҳуқуқида одатда ҳаракатсизлик шахс жиноий хулқ-атворининг нофаол (пассив) кўриниши сифатида ифодаланади. Жиноят ҳуқуқи назариясида ҳаракатсизликка берилган таърифлар баъзида бир-бирига тўғри келмайди. Ҳаракатсизликда содир этиладиган жиноятларда шахс ўзининг жиноий хулқ-атворини нофаол (пассив) тутмайди. Аксинча, айбдор шахс ташқи томондан фаол (актив) ҳаракатларни содир этади. Масалан, Ўз.Р ЖК 184-моддасидаги солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятида маъмурий жазога қўлланилгандан кейин шахс фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни анча миқдорда қасдан яширади ёки камайтириб кўрсатади, яъни айбдор шахс фаол (актив) ҳаракатлар билан Конституцияда белгиланган муайян бурчни бажармасликда ифодаланади. Конституциямизнинг “Фуқароларнинг бурчлари” деб номланган XI боби 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.” дейилган.

Хусусан, Ўз.Р ЖК 184-моддасидаги норма диспозициясида қонун чиқарувчи ҳаракатсизликда содир этиладиган жиноий қилмишнинг усуллари тўғридан-тўғри назарда тутган. Мазкур модда диспозициясида “Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан қасдан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса,”

дейилган. Солиқ солинадиган объектларни “қасддан яшириш” ва “камайтириб кўрсатиш” солиқ ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят содир этиш усуллари ҳисобланади. Ушбу жиноятда шахс жиноий хулқ-атвори “бўйин товлаш” ҳаракатсизлик шаклида бўлса, бўйин товлашнинг усуллари эса “қасддан яшириш ёки камайтири кўрсатиш”дир.

Фойдани, даромадни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш бу фуқароларнинг ёки мансабдор шахсларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаш усуллари [16, Б. 123]. Қонун чиқарувчи ва Олий суд Пленуми юқоридаги ҳолатларда ҳаракатсизлик усулини ифодалаган. Жиноят ҳуқуқи назариясидан маълумки, жиноят содир этиш усули муайян жиноий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) усули ёки “мустақил усул” тарзида ифодаланиши мумкин.

**Иккинчидан**, муаммоли ҳолатлардан бири бу жиноят содир этиш усулининг жиноий қилмишда мустақил равишда намоён бўлиши ҳисобланади. Яъни жиноят содир этиш усули ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг усули эмас, балки жиноят содир этиш усулининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги шаклидаги усулнинг “мустақил усул” сифатида намоён бўлишидир. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва илмий тадқиқотларга турли хил тортишувчи ёндашувлар бўлишига қарамасдан, биз жиноят содир этиш усули жиноий қилмиш ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам намоён бўлади деган илмий қарашни илгари сураимиз.

Бизнинг бу хулосамизни 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли Олий суд Пленум қарори ҳам тасдиқлайди. Жумладан, мазкур Олий суд Пленум қарорининг 4-бандида “Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади. Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин. Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усуллари кўллаш ва ҳ.к. киради.” [17]

Юқоридаги Олий суд Пленум қарори тушунтиришларидан кўриниб турибдики, фирибгарлик жиноятидаги “алдаш” усулининг ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шакллари мавжудлигини кўриш мумкин. Жиноят ҳуқуқи назариясидан маълумки, фирибгарлик жиноятида қилмиш “ўзганинг мулкни талон-торож қилиш” бўлса, талон-торожнинг усули “алдаш” ҳисобланади. Демак, фирибгарлик қилмиши талон-торож алдашнинг турли хил ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги шаклида намоён бўлиши мумкин. Бунда шундай хулоса қилиш мумкинки, шахс жиноий хулқ-атвори, жиноий ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам жиноят содир этиш усули “алдаш” мавжуд бўлади.

Юқорида назарда тутилган баъзи илмий тадқиқотларда жиноят содир этиш усули ҳаракат ёки ҳаракатлар тизимида ифодаланиши ҳақида гапиралади. Шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, жиноят содир этиш усули жиноий хулқ-атворнинг фаол(актив) ва нофаол(пассив), яъни иккала кўриниши(ҳаракат ва ҳаракатсизлик)да ҳам мавжуд бўлади.

Ушбу фикрни тасдиғи сифатида баъзи олимлар, хусусан, М.А.Атальянцнинг илмий ёндашуви диққатга сазовордир. Унинг фикрича, жиноят содир этиш усули жиноий қилмишни содир этиш учун қўлланиладиган усул ёки услублар йиғиндиси тушунилади ва у ёки улар жиноий ҳаракатда бўлгани каби ҳаракатсизликда ҳам акс этади ёки ҳаракат(ҳаракатсизлик)лар тизимида ифодаланади [18, С. 112].

**Учинчидан**, баъзи миллий олимларимиз жиноят содир этиш қуроли ва воситасидан фойдаланишни жиноят содир этиш усули доирасига киритишади. Хусусан, М.Усмоналиев ва П.Бакуновлар “Жиноят содир қилиш усули айбдор ижтимоий хавфли қилмиш содир қилишда фойдаланадиган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Жиноят содир қилишда қурол

воситаларидан фойдаланиш ҳам жиноят содир қилиш усули доирасига киради”, [19, Б. 192-193] деб, ўз илмий ёндашувини баён қилишади.

Мазкур олимларнинг илмий ёндашувларига қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Жиноят содир этиш қуроли ва воситаси усул сифатида намоён бўлиши мумкин эмас. Биринчидан, жиноят ҳуқуқи доктринасида мавжуд жиноят содир этиш усули таърифига ҳам мос тушмайди. Иккинчидан, мазкур жиноят объектив томони факультатив белгиларининг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, қийнаб, азоб бериб ўлдириш мақсадида жабрланувчига ошхона пичоғи билан кетма-кет зарбалар беришда жиноят содир этиш қуроли (пичоқ – қурол сифатида фойдаланилган бошқа нарса) жиноят содир этиш усулини ифодаламайди ва унинг доирасига кирмайди. Ошхона пичоғидан фойдаланган ҳолда ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш – яъни жиноят содир этиш усули қийнаб, азоб бериш мақсадида кетма-кет зарбалар бериш танланади ва унда айбдор ўз қилмишига бўлган субъектив муносабат (азоб бериб қасддан ўлдираётганини ҳис қилиш) ҳам бўлади, шунингдек, жиноят объектига қурол орқали бевосита жиноий тажовуз амалга оширилади. Бу ерда жиноят содир этиш қуроли ва усули ўзаро муносабатини кўриш мумкин бўлади.

Жиноят объектив томони факультатив белгиларидан бўлган жиноят содир этиш қуроли ва воситаси ҳақида гапирилганда жиноят ҳуқуқи доктринасида уларга турли хил берилган таърифлар мавжудлиги улар устида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва мукамалроқ таъриф беришни тақозо этади.

Жиноят ҳуқуқи доктринаси ва ундаги илмий тадқиқотлардан маълум бўладигани, жиноят содир этиш қуроли ва воситага алоҳида эмас, балки бирга таъриф берилади. Хусусан, жиноят содир этиш қуроли ва воситаси – бу шундай қурол ва восита, мослама, асбобларки, улар ёрдамида жиноят содир этилади [20, С. 207]. Бу шундай ҳаракат(ҳаракатсизлик) методлари, жонли ёки жонсиз компонент(таркибий қисм)ларки, улардан фойдаланган ҳолда айбдор шахс жиноий ҳуқуқий муҳофаза объектига зарар етказади [21, С. 259]. Бу шундай нарсаларки, улар ёрдамида, воситасида жиноят содир этилади [22, С. 45].

Жиноят ҳуқуқи доктринасида мавжуд илмий тадқиқотларда баъзи жиноят содир этиш қуроллари воситаларнинг турли шакллари сифатида тан олинади. Жиноят содир этиш воситаси – бу жиноят содир этиш учун махсус мослаштирилган ёки мослаштирилмаган, техник хусусиятларга эга барча имкониятли воситалар, шунингдек, қурол ва инструментлар, мажозий маънода гапирганда, инсон қўлини баланд қиладиган ва унинг жиноий фаолиятига муваффақиятли ҳисса қўшадиган барча насалардир [23, С. 175].

Баъзи олимлар жиноят содир этиш қуроли ва воситасига қилмиш усули таркибий элементлари сифатида қарашади. Жумладан, А.П.Козлов “Жиноят содир этиш қуроли ва воситаси жиноят объектив томонининг зарурий(муस्ताқил) белгиси ҳисобланмайди. Улар ўз-ўзидан жиноят содир этиш усулидир ёки жиноий қилмиш усулининг таркибий бир элементлари ҳисобланади.” [24, С. 196] деб илмий ёндашувини баён қилади.

А.П.Козловнинг илмий қарашлари ва ёндашувига қўшиламан. Олимнинг бундай фикрга келиб, ўз илмий ёндашувини баён қилишига сабаб қурол ва воситанинг этимологик(келиб чиқиши) аҳамияти билан боғлиқдир. Ўзбек тили изоҳли луғатида “восита” деганда “бирон бир насани амалга ошириш ёки бирон нарсага эришиш усули” тушунилса, “восита” эса “бирор нарсага эришиш усули ёки йўли” тушунилади. Дарҳақиқат, бундан кўриниб турибдики, қурол ва восита жиноий қилмиш усули сифатида ифодаланади.

Аммо, М.А.Атальянц қурол ва восита сўзларининг бошқа маъноларини ҳам ўз илмий тадқиқот ишида баён қилади. Унинг таъкидлашича, қурол деганда, қандайдур иш, машғулотда фойдаланиладиган восита, инструмент тушунилади. Восита деганда эса, қандайдур фаолиятда қўлланиладиган қурол (предмет, нарса, восита ёки уларнинг йиғиндиси) тушунилади [25, С. 165-66].

Жиноят ҳуқуқида жиноят содир этиш қуроли ва воситаси деганда олим таъкидлаганидек уларнинг иккинчи маъноси қўлланилади. Дарҳақиқат, жиноят содир этиш усули, қуроли ва воситаси бир-бири билан узвий алоқадор бўлади. Бироқ Ўз.Р. ЖК Махсус

қисми моддалари диспозициялари таҳлили шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи жинойт содир этиш усули, қуроли ва воситасига мустақил хусусиятни қасб этувчи жинойт объектив томони факультатив белгилари сифатида ифодаланган.

С.И.Улезьконинг фикрича, жинойт содир этиш усули, қуроли ва воситаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, қурол жинойт содир этиш воситасининг турли хил шакллардаги кўришини бўлса, восита эса у ёки бу фаолиятда жинойт қилмишни содир этиш воситаларидан бири ҳисобланади. Жинойт содир этиш қуроли воситанинг бир шакли ёки восита эса жинойт содир этиш қуролининг бир кўришини бўлиб келиши мумкин [26, С. 207].

Бу илмий ёндашувни баъзи миллий олимларимиз ҳам шунга ўхшаш илмий мулоҳазаларини баён қилишади. Уларнинг фикрича, “Жинойт содир этиш воситаси – бу жинойт мақсадга эришиш йўлидаги барча нарсалар (бу маънода жинойтчининг қилмиши ҳам тажовуз воситаси саналади). Қурол – жинойт содир этиш воситаларининг турларидан бири. Жинойт содир этишда фойдаланилган ҳар қандай предмет(совуқ ва ўқотар қурол, очқич, бузиш қуроли ва бошқа)лар” [27, Б. 74].

Ушбу гуруҳ олимларининг илмий ёндашувига қўшилмаймиз. Жинойт содир этиш қуроли ва воситаси ўзига хос алоҳида жинойт ҳуқуқи хусусияти мавжуд бўлиб, уларни бир-бири билан чалкаштириб таъриф бериш мақсадга мувофиқ эмас. Жинойт содир этиш қуроли воситанинг бир тури бўла олмайди. Чунки уларнинг асосий факрловчи хусусиятлардан бири қурол билан жинойт объектига тўғридан-тўғри зарар етказилса, восита билан ундай бўлмайди. Яъни жинойт содир этиш воситаси жинойт объектига тўғридан-тўғри зарар етказмайди, балки зарар етказилишини осонлаштириб беради.

Х.Р.Очилов, Ш.Д.Хайдаров, З.З.Шамсидинов таъкидлашича эса, “Жинойт содир қилиш қуроли – шахс жинойт объектига ёки шахсга бевосита таъсир кўрсатиш учун фойдаланган моддий ашё. Яъни айбдор жинойт қонуни билан кўриқланадиган объектига зарар етказиш мақсадида фойдаланган моддий ашё тушунилади. Жинойт содир қилиш воситаси эса – шахс жинойт содир қилишни ёки жинойт изларни йўқотишни осонлаштириш учун фойдаланган ташқи дунё неъматини [28, Б. 37].

Жинойт ҳуқуқи доктринаси ва илмий тадқиқотларда **жинойт содир этиш ҳолати** тушунчасига берилган турли хил таърифларни учратиш мумкин. Баъзи олимлар жинойт содир этиш ҳолати деганда, жинойтда юз берадиган ҳолатлар, вазиятлар, шароитлар йиғиндиси сифатида қарашади. Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса, жинойт содир этиш ҳолатини жинойт объектив томони факультатив белгиси эмас деган илмий ёндашувни илгари суришади. Уларнинг фикрича, жинойт содир этиш ҳолатини жинойт объектив томони белгилари каторидан чиқариш лозим. Улар ўзларининг илмий ёндашувини исботлаш мақсадида жинойт содир этиш жойи ўзида жинойт қилмишда юз берадиган ҳолат ва вазиятларни ҳам қамраб олади деган ғояни илгари суришади [29, С. 196].

Аммо, юқоридаги иккинчи гуруҳ тадқиқотчиларининг илмий ёндашувига қўшилмаймиз. Чунки, жинойт содир этиш ҳолати ўзида жинойтда юз берадиган шароитлар, ҳолатларни қамраб олса, жинойт соди этиш жойи эса, жинойт содир этиладиган макон, ҳудуд(ер, сув ва ҳаво)ни қамраб олади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жинойт содир этиш ҳолати жинойт содир этиш жойига қараганча мураккаб ҳуқуқий шаклга эга.

В.Б.Малинин ва А.Ф.Парфеновлар “жинойт содир этиш ҳолати тушунчасини аниқлашда жинойт содир этиш жойи ва вақти аҳамият қасб этади. Вақт ва ҳолат жинойт содир этиш жойининг узвий бирлиги бўлганлиги учун аҳамиятли ҳисобланади. Жой, вақт ва ҳолат бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Жинойт содир этиш ҳолатида жой ва вақт муҳим функцияни бажаради [30, С. 244].

М.А.Атальянцнинг таъкидлашича, жинойт содир этиш ҳолати жой ва вақт билан узвий алоқадор бўлиши билан чекланмасдан, турли хил жисмоний-руҳий ҳолатлар ва табиий-климатик факторларни ҳам ўз ичига олиши мумкин [31, С. 26].

Дарҳақиқат, юқоридаги олимнинг фикрича қўшилса бўлади. Миллий ва ривожланган хорижий давлатлар жинойт қонуни таҳлили шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи жинойт қонунида жинойт содир этиш ҳолати сифатида турли хил шароитлар, вазиятларни келтириб

ўтган. Масалан, Ўз.Р ЖК 56-моддаси “и” бандида “умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда” жиноят содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолатлардан бир сифатида ифодаланган.

Шунингдек, баъзи жиноятларда жиноят содир этиш ҳолати жинойий қилмишнинг оммавийлик хусусиятини ифодалаши мумкин. Масалан, “Ўзбекистон Президентини омма олдида ҳақоратлаш” шахсни Ўз.Р ЖК 158-моддаси 3-қисмига кўра жинойий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Бу шундан далолат қилади, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳеч ким йўқлигида ҳақоратлаш Ўз.Р ЖК 158-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил қилмайди. Балки, шахсни Ўз.Р ЖК 140-моддаси билан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, хорижий давлатлар жиноят қонунида қонун чиқарувчи шароитни жиноят содир этиш ҳолати элементи сифатида жиноят содир этиш вақти билан узвий боғлаб ифодалайди. Хусусан, РФ ЖК Махсус қисми 106-моддаси диспозициясида “Онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган ҳолатда ёки руҳий жароҳатланиш (шикастланиш) шароитда қасддан ўлдириши” каби ифодалаган. Афсуски, бизнинг жиноят қонунчилигимизда мазкур жиноят, яъни онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш жиноятида жиноят содир этиш вақти назарда тутилган, аммо ушбу қилмиш квалификациясида жиноят таркиби зарурий белгиси бўладиган жиноят содир этиш ҳолати ифодаланмаган.

Жиноят ҳуқуқи доктринаси мавжуд қондалар ва юқорида таъкидланган олимлар илмий ёндашувлари тадқиқ этишдан шундай хулоса қилиш мумкинки, жиноят объектив томони белгилари муайян қилмишни жиноят деб топиш ва мазкур жиноят белгиларини тўғри аниқлаш, шунингдек, жиноят таркиби белгиларининг мавжудлигини исботлаш учун хизмат қилади.

Жумладан, ҳар қандай қилмишни жиноят деб топиш учун жинойий қилмиш белгилари мавжудлиги талаб этилса, жинойий қилмиш натижаси сифатида жиноят оқибат ва сабабий боғланиш жиноят таркибининг бошқа элементларини тўғри аниқлаш имконини беради. Жиноят таркиби ҳар қандай жиноятнинг ўзаги, ядросини ташкил қилади. Жиноят таркиби тўртта элементдан бошқаларини тўғри ва изчиликда шакллантирадиган элемент сифатида марказий ўринни жиноят объектив томони эгаллайди. Жиноят объектив томони белгилари ўз навбатида жиноят таркиби бошқа элементлари ва белгиларини аниқлаб, жиноятнинг энг муҳим белгиларидан ижтимоий хавфлилик ва қонунга хилофлилик белгиларини намоён бўлишида асосий марказий ўринни эгаллайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, жиноят ҳуқуқи доктринасида жиноят ва жазо тушунчалари асосий ўринни эгаллайди. Ҳар қандай жиноят кўйидаги таркибий алгоритм(кетма-кетлик)ли формулади номён бўлади: Жиноят объектив томони белгилари – жиноят таркиби бошқа элементлари ва белгилари – жиноят белгилари – жиноят.

Жиноят ҳуқуқи доктринаси ва унда мавжуд илмий ва монографик тадқиқотлар ҳамда жиноят қонунчилигини ўрганиш натижасида қуйидагича хулосага келинди:

**Биринчидан**, жиноят объектив томони – бу аниқ жой, вақт ва ҳолатлар шароитларида муайян усулда содир этиладиган жинойий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг ташқи ҳатти-ҳаракатларини ўзида ифодалайдиган жиноят таркиби ташқи томони(элементи)дир.

**Иккинчидан**, ҳар қандай жиноят объектив томони зарурий белгиси – бу ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). Қолган барча белгилар – жинойий оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш жойи, вақти, ҳолати, усули, қуроли ва воситаси жиноят объектив томони факультатив белгилари ҳисобланади. Истисно тариқасида фақат моддий таркибили жиноятларда жинойий қилмиш, оқибат ва сабабий боғланиш жиноят объектив томони зарурий белгилари ҳисобланади.

**Учинчидан**, жиноят объектив томони белгилари тўққизта эмас, балки бештадир. Улар жинойий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), ижтимоий хавфли оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш шароитлари (жой, вақт, ҳолат), жиноят содир этиш усули (қурол ва восита усулнинг таркибий элементлари).

**Бешинчидан**, жиноят содир этиш усули факультатив эмас, балки жиноят объектив томони зарурий белгисидир. Жиноий қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида эмас, балки усулида содир этилади. Жиноят содир этиш усули икки хил кўринишда намоён бўлади: 1) жиноий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик; 2) жиноят объектив томони мустақил белгиси. Масалан, Ўз.Р ЖК 169-моддаси “Ўғирлик” жиноятида талон-тарожнинг “яширин” усули жиноят таркиби объектив томони мустақил зарурий белгисидир. Ривожланган хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини ва жиноят ҳуқуқида мавжуд илмий тадқиқотларни таҳлили натижасида Ўз.Р ЖК 14-моддасини қуйидаги янги таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқдир:

**“14-модда. Жиноят тушунчаси**

Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлик усулида содир этилади ва у жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик усулида содир этилади қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.”

**Иктибослар/Сноски/References:**

1. Jinoyat huquqi. (Umumiy qism) Darslik. Mas’ul muharrir: yu.f.f.d (PhD) X.Ochilov – T.: Adolat nashriyoti, 2020. – B. 72. (Criminal law. (General part) Textbook. Responsible editor: PhD. H. Ochilov - T.: Adolat publishing house, 2020. - P. 72.)
2. Очиллов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. –Б. 38. (Ochilov H.R., Khaidarov Sh.D., Shamsidinov Z.Z. "Criminal law" (General part). Study guide - T.: TSUL publishing house, 2021. -P. 38)
3. Истомин А. Ф. Общая часть уголовного права: учеб. пособие (альбом схем). М., 1997. – С. 70. (Istomin A.F. General part of criminal law: textbook. allowance (album of schemes). M., 1997. - P. 70.)
4. Российское уголовное право. Общая часть / под ред. А. В. Наумова. М., 2000. – С. 194. (Russian criminal law. General part / ed. A. V. Naumova. M., 2000. - P. 194.)
5. Кауфман М. А. Некоторые проблемные вопросы определения времени совершения преступления // Российская юстиция. 2012. № 11. С. 19–22. (Kaufman M. A. Some problematic issues of determining the time of committing a crime // Russian Justice. 2012. No. 11. P. 19–22.)
6. Наумов А. В. Российское уголовное право. Курс лекций. В 2 т. Т. 1. Общая часть. 3-е изд., перераб. и доп. М.: Юрид. лит., 2004. – С. 206. (Naumov A. V. Russian criminal law. Lecture course. In 2 vols. T. 1. General part. 3rd ed., revised. and additional M.: Yurid. lit., 2004. - p. 206.)
7. Акоев К. Л. Место совершения преступления и его уголовно-правовое значение: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1989. – С. 12. (Akoev KL The place of the crime and its criminal law significance: author. dis. ... cand. legal Sciences. M., 1989. - P. 12.)
8. Аталянц М. А. Способ совершения преступления и его уголовно-правовое значение: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2010. С. 45. (Atalyants M. A. Method of committing a crime and its criminal law significance: dis. ... cand. legal Sciences. M., 2010. – P. 45.)
9. Малинин В.Б., Парфенов А.Ф. Объективная сторона преступления. СПб.: Изд-во Юридического института (Санкт-Петербург), 2004. – С. 186. (Malinin V.B., Parfenov A.F. The objective side of the crime. St. Petersburg: Publishing House of the Law Institute (St. Petersburg), 2004. - P. 186.)
10. Есаков Г. А., Рарог А. И., Чучаев А. И. Настольная книга судьи по уголовным делам / отв. ред. А. И. Рарог. М.: Велби, Проспект, 2007. – С. 42. (Esakov G. A., Rarog A. I., Chuchaev A. I. Desktop book of a judge in criminal cases / otv. ed. A. I. Rarog. M.: Velby, Prospekt, 2007. - P. 42.)

11. Наумов А. В. Практика применения Уголовного Кодекса Российской Федерации: комментарий судебной практики и доктринальное толкование (постатейный) / под ред. Г. М. Резника. М.: Волтерс Клувер, 2005. – С. 34. (Naumov A.V. The practice of applying the Criminal Code of the Russian Federation: commentary on judicial practice and doctrinal interpretation (item-by-article) / ed. G. M. Reznik. M.: Wolters Kluver, 2005. - P. 34.)
12. Малинин В.Б., Парфенов А.Ф. Объективная сторона преступления. СПб.: Изд-во Юридического института (Санкт-Петербург), 2004. – С. 213. (Malinin V.B., Parfenov A.F. The objective side of the crime. St. Petersburg: Publishing House of the Law Institute (St. Petersburg), 2004. - P. 213.)
13. Михайлов Н. Ф. Способ совершения преступления и его уголовно-правовое значение: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2007. – С. 7. (Mikhailov N. F. Method of committing a crime and its criminal law significance: author. dis. ... cand. legal Sciences. M., 2007. - P. 7.)
14. Бойко А.И. Преступное бездействие. СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. – С. 42. (Boyko A.I. Criminal inaction. St. Petersburg: Legal Center Press, 2003. - P. 42.)
15. Jinoyat huquqi. (Umumiy qism) Darslik. Mas’ul muharrir: yu.f.f.d (PhD) X.Ochilov – T.: Adolat nashriyoti, 2020. – В. 74. (Criminal law. (General part) Textbook. Responsible editor: PhD. H. Ochilov - T.: Adolat publishing house, 2020. - P. 74.)
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2002 йил 25 октябрдаги 28-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 1-жилд. – 123-б. (Resolution No. 11 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan of April 17, 1998 "On some issues arising in the judicial practice of criminal cases in the field of economy" (No. 10 of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated June 14, 2002, No. 28 of October 25, 2002 and with amendments and additions made on the basis of decisions No. 5 of February 3, 2006) // Collection, Volume 1. - p. 123.)
17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/docs/3399888> // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2017 йил 11 октябрь, 35-сон. (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan "On judicial practice in fraud cases" // <https://lex.uz/docs/3399888> // National database of legal documents, October 11, 2017, No. 35.)
18. Атальянц М. А. Способ совершения преступления и его уголовно-правовое значение: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2010. – С. 112. (Atalyants M. A. Method of committing a crime and its criminal law significance: dis. ... cand. legal Sciences. M., 2010. - P. 112.)
19. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф., 2010. – Б. 192-193. (Usmonaliev M., Bakunov P. Criminal law. General part: Textbook. - Tashkent: Nasaf, 2010. - P. 192-193.)
20. Наумов А.В. Российское уголовное право: курс лекций. В 2 т. Т. 1. Общая часть. 3-е изд., перераб. и доп. М.: Юрид. лит., 2004. – С. 207. (Naumov A.V. Russian criminal law: a course of lectures. In 2 vols. T. 1. General part. 3rd ed., revised. and additional M.: Yurid. lit., 2004. - P. 207.)
21. Курс уголовного права. Общая часть. Т. 1: Учение о преступлении: учебник / под ред. Н. Ф. Кузнецовой, И. М. Тяжковой. М.: Зерцало-М, 2002. – С. 259. (Criminal law course. A common part. T. 1: The doctrine of crime: a textbook / ed. N. F. Kuznetsova, I. M. Tyazhkova. M.: Zertsalo-M, 2002. - P. 259.)
22. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: учебник. 2-е изд., перераб. и доп. / под ред. А. И. Рапога. М.: Юристъ, 2004. – С. 45. (Criminal law of the Russian Federation. General part: textbook. 2nd ed., revised. and additional / ed. A. I. Raroga. M.: Jurist, 2004. - P. 45.)

23. Уголовное право. Общая часть: учебник / под ред. В. Н. Петрашева. М.: ПРИОР, 1999. – С. 175. (Criminal law. General part: textbook / ed. V. N. Petrasheva. M.: PRIOR, 1999. - P. 175.)
24. Козлов А.П. Понятие преступления. СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. – С. 196. (Kozlov A.P. The concept of crime. St. Petersburg: Legal Center Press, 2004. - P. 196.)
25. Атальянц М.А. Способ совершения преступления и его уголовно-правовое значение: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2010. – С. 65–66. (Atalyants M.A. The method of committing a crime and its criminal-legal significance: dis. ... cand. legal Sciences. M., 2010. - P. 65–66.)
26. Актуальные проблемы Общей части уголовного права: учебник / отв. ред. И. А. Подройкина, И. А. Фаргиев. – Москва: Проспект, 2019. – С. 207. (Actual problems of the General part of criminal law: textbook / отв. ed. I. A. Podroikina, I. A. Fargiev. - Moscow: Prospekt, 2019. - P. 207.)
27. Jinoyat huquqi. (Umumiy qism) Darslik. Mas’ul muharrir: yu.f.f.d (PhD) X.Ochilov – T.: Adolat nashriyoti, 2020. – В. 74. (Criminal law. (General part) Textbook. Responsible editor: PhD. H. Ochilov - T.: Adolat publishing house, 2020. - P. 74.)
28. Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – Б.37. (Ochilov H.R., Khaidarov Sh.D., Shamsidinov Z.Z. "Criminal law" (General part). Study guide - T.: TSUL publishing house, 2021. -P. 37)
29. Козлов А. П. Понятие преступления. СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. – С. 196. (Kozlov A.P. The concept of crime. St. Petersburg: Legal Center Press, 2004. - P. 196.)
30. Малинин В.Б., Парфенов А.Ф. Объективная сторона преступления. СПб.: Изд-во Юридического института (Санкт-Петербург), 2004. – С. 244. (Malinin V.B., Parfenov A.F. The objective side of the crime. St. Petersburg: Publishing House of the Law Institute (St. Petersburg), 2004. - P. 244.)
31. Атальянц М.А. Способ совершения преступления и его уголовно-правовое значение: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2010. – С. 26. (Atal'yants M.A. The method of committing a crime and its criminal-legal significance: dis. ... cand. legal Sciences. M., 2010. - P. 26.)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000